Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 257 (13.320)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Америка Қўшма Штатлари номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мамлакатингиз мустақилликка эришгач, яъни 25 йил аввал бошланган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга доир сиёсатимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Сизнинг Президент этиб сайланишингиз Ўзбекистон учун муҳим даврни бошлаб берди. Сизнинг минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро муносабатларда мувозанатни сақлашга қаратаётган алоҳида эътиборингизни қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, Президент вазифасини бажарувчи сифатида муҳим соҳаларда, шу жумладан, иқтисодиёт ва қонун устуворлиги соҳаларида Сиз бошлаган ишларни катта мамнуният билан қайд этаман.

Ҳукуматингиз билан ўрнатилган ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз ҳамда ушбу алоқаларни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятларни ишга соламиз. Ўзаро умумий манфаатларимизни ҳисобга олиб, мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида биргаликдаги ишларимизни давом эттирамиз, деган умиддаман.

Самимият билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан табриклайман. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловни юксак даражада, Конституцияга мувофиқ ташкил этган Ўзбекистон халқи таҳсинга лойиқ.

Менинг ваколатларим ўз якунига етаётгани муносабати билан, фурсатдан фойдаланиб, иқлим ўзгариши, ядровий қуролсизланиш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш каби қатор масалаларда БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларимизни мамнуният билан эслайман.

Сизга Ўзбекистоннинг келгуси сиёсий ва ижтимоий тараққиётида давлат раҳбари сифатида улкан муваффақиятлар тилайман. Ишонтириб айтаманки, жаноб Антониу Гутерреш бошчилигида БМТ, шу жумладан, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан ҳамкорликни давом эттиради.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан Сизни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ғалабангиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида самарали, узоқ муддатли дўстлик ва ҳамкорлик ришталари ўрнатилган бўлиб, кейинги йилларда улар янада мустаҳкамланди ва янги босқичга кўтарилди. Ишонаманки, ўзаро манфаатли алоқаларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Пранаб МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз ва халқингиз қўллаб-қувватлагани билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт ва фаровонлик йўлини давом эттиришига ишонаман. Сиз кўп йиллар мамлакатнинг Бош вазири сифатида самарали фаолият кўрсатдингиз.

1992 йил Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён дўстона муносабатларимиз мунтазам ривожланиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга. Яқинда барпо этилган Сурғил газ-кимё мажмуаси каби муваффақиятли лойиҳаларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишонаман.

Келгуси йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ва корейсларнинг Марказий Осиёга кўчишининг 80 йиллигини нишонлаймиз, дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик муносабатларимиз янада чуқурлашишига умид қиламан. Сиз, Жаноби Олийларга сиҳат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасига абадий фаровонлик тилайман.

Пак Кин ХЕ,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Республикасини сиёсий, хавфсизлик ва айниқса, иқтисодий соҳада ҳамкорлик нуқтаи назаридан, Чехия Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим шерикларидан бири, деб биламан. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиш суръатлари изчил давом этмоқда. Аммо ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларида мавжуд имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаган деган фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Сизнинг барча даражада, жумладан, олий даражадаги сиёсий мулоқотни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги сўзларингизни маъқуллайман ва тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бу Чехия билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сиз, Жаноби Олийларини ўзингизга қулай вақтда Чехия Республикасига ташриф билан келишга таклиф этаман. Чехия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий самимий муносабатлар бундан буён ҳам дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат руҳида янада ривожланишига ишонаман. Прагада бўладиган учрашувимиз Чехия ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларини янада чуқурлаштириш имконини беришига ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Милош ЗЕМАН,
Чехия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклаш ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар келажакда янада мустаҳкамланиши ва кўп томонлама ҳамкорлигимиз кенгайишига ишонаман.

Муҳтарам Президент Жаноблари! Сизнинг масъулиятли фаолиятингизда мустаҳкам соғлик, улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига янада фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Янош АДЕР,
Венгрия Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сингапур халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Сиз, Жаноби Олийларининг ушбу лавозимга сайланганингиз Ўзбекистон халқининг Сизга моҳир ва доно Президент сифатида ишончининг ифодасидир. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт йўлини дадил давом эттиришига ишонаман.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида самимий муносабатлар йўлга қўйилган ва мамлакатларимиз турли халқаро форумлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Сиз билан ҳамкорликда ишлаш имкониятини сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Самимият билан,

Тони Тан Кенг ЯМ,
Сингапур Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Жаноби Олийлари!

Мен ва рафиқам Сиз, Жаноби Олийларини Президент сайловида ғалаба қозонганингиз ва халқингизнинг юксак ишончига сазовор бўлганингиз билан самимий табриклаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик, омонлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига абадий тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак ҳурматимизни қабул қилгайсиз.

Ал-Мутасиму Султон Бадлишоҳ Янг ди-Пертуан АГОНГ XIV,
Малайзия Қироли

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни йўллайман.

Ўзбекистон халқи мамлакатни барқарорлаштириш ва ривожлантириш борасида эришаётган ютуқларни ҳар доим қизиқиш билан кузатиб борамиз ва қувонамиз. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқининг манфаати, минтақада тинчлик ва фаровонлик йўлида барқарор изчил ривожланишни давом эттиришига аминман.

Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари ва серқирра ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши халқларимизнинг умумий манфаати ва истакларига хизмат қилишига ишонаман.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Чан Дай КУАНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси – **Валентина Матвиенко**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири – **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори – **Жозе Грациану да Силва**

Европа парламенти депутати – **Ивета Григуле**

Европа парламенти депутати – **Андрей Мамикинс**

"МАХАМ" компанияси раиси ва бош директори – **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

Испания саноат жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори – **Хуан Рамон Дуран Пабло**

Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

2016 йил 9 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларимиз ўзининг юксак сиёсий ва фуқаролик позициясини ҳамда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намойиш этиб, овоз беришда фаол иштирок этганини таъкидлади.

Фуқаролар овоз беришда иштирок этиши орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини амалда яна бир бор ифодалади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовни ёқлаб 421 минг 55 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 миллион 906 минг 724 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб 669 минг 187 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажитович Умаровни ёқлаб 619 минг 972 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, натижаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев ғолиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-, 117-моддаларига, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-, 35-, 36-моддаларига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаган ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тамойилларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини 5 халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб боргани сиёсий кампания демократия талаблари асосида очиқ ва ошкора ўтганининг ёрқин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 37 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам фаол иштирок этди.

Сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Президент сайловини 615 миллий ва 272 хорижий оммавий ахборот воситалари, жумладан, 315 хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналисти иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 матбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинди, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилди.

4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадлар йўлида – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш, юртимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, халқимиз учун эркин, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасида яна бир улкан қадам қўйганини, таъбир жоиз бўлса, мустақил тараққиётининг янги даврига кириб бораётганини яққол намойиш этди.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Майор Акмал Йўлдошев оиласи билан Конституция байрамини янги, шинам хонадонда кутиб олди. Қутлуғ айём арафасида унинг оиласига уч хонали уйнинг калити топширилди.



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЯНГИ УЙЛАР

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга кўп қаватли янги уйни топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Д.Муродов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этишга, тинч ва осойишта ҳаётни ҳимоялашга қодир миллий армиямизни шакллантириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Энг яхши лойиҳалаштириш-қурилиш ташкилотларини жалб этган ҳолда ҳарбий хизматчилар учун махсус шаҳарчалар, турар жойлар барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турар-жой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Кўп қаватли уй "Бағдод карвон" масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари томонидан барпо этилди. МЧЖ директори Михаил Овкиннинг таъкидлашича, бир, икки ва уч хоналардан иборат мазкур кўп қаватли уйни барпо этишда унинг муҳандислик-коммуникация тизимлари энг замонавий талабларга жавоб бериши, шовқинни ўтказмаслиги, иссиқликни сақлаши, сейсмобардошлилиги ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Уйнинг ён-атрофи ободонлаштирилиб, болалар, спорт майдончалари, дам олиш учун айвончалар ҳам қурилган.

– Оилам, фарзандларим шундай кенг, шинам уйда истиқомат қилишидан ғоят мамнунман. Бу юксак эътиборга жавобан биз зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни куч-ғайрат билан адо этиб, халқимиз ишончини оқлаймиз, – дейди ЎзА мухбирига майор Азиз Эгамназаров.

Н.УСМОНОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда "Мустаҳкам қонунларга таянган давлат" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда "Конституция халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти кафолати", "Ҳуқуқий билимдон ёшлар – келажагимиз давомчилари", "Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Талабалар ҳамда ҳарбий хизматчилар томонидан Бош қомусимиз мадҳ этилган шеърлар ўқилди, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

• Тошкент давлат аграр университетида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

• "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида жорий йилнинг 9 ойи давомида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва келгусидаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан галдаги режалар, истиқболдаги лойиҳалар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча об-ҳавонинг ноқулайлиги боис Москвадаги аэропортларда 60 та рейс бекор қилинди, 33 та парвознинг вақти орқага сурилди.

• Америкалик илк астронавт, 1962 йил 20 февралда коинотга парвоз қилиб ер курраси устидан уч марта айланиб чиққан Жон Гленн 95 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Таъкидлаш жоизки, у 1998 йилда 77 ёшида "Шаттл" космик кемасида коинотга яна бир бор парвоз қилгани ҳолда жаҳондаги энг ёши улуғ космонавт ҳисобланган.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон демократияни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашда муваффақиятларга эришишига, минтақада яқин қўшничилик муносабатларини изчил ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсат юритиш орқали Марказий Осиёда барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига ишонаман. Германия Федератив Республикаси бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, куч-қувват ва омад тилайман.

Йоахим ГАУК,
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлардан мамнунлигимизни изҳор этиб, мамлакатларимиз манфаатлари йўлида ушбу муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш йўлида биргаликда саъй-ҳаракат қилишимизни таъкидлайман.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон ва унинг халқига доимий ривож ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,
Кувайт Давлати Амири

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида халқларимиз манфаати, минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида стратегик шерикликни, кўп томонлама ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, қардош Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Украина Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ҳуқуқ принциплари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига қатъий амал қиладиган обрўли аъзоси сифатида бундан буён ҳам изчил ривожланишига ишонади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ўзаро манфаатли шерикликнинг энг яхши анъаналарини мустаҳкамлаб, халқларимиз манфаати йўлида икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини тўлиқ ишга солишга умид қиламан.

Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзингиз учун қулай вақтда Украинага ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлик, давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

Пётр ПОРОШЕНКО,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Россия Федерацияси Ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Сиз давлат институтларини янада мустаҳкамлаш, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича илгари сурган йўналишларга сайловчилар ишонишидан далолат беради. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон барча соҳаларда янги муваффақиятларга эришишига аминман.

Сиз Россия билан Ўзбекистоннинг дўстона ва шериклик муносабатларини кенгайтириш, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганингизни алоҳида таъкидлайман. Ўзаро серқирра ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ҳукуматлар даражасидаги ишларни фаол давом эттиришга тайёрман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги ғоят масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири – **Шайх Ҳасина Вазед**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори – **Кристин Лагард**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби – **Талеб Рифаи**

Европа парламенти вице-президенти – **Ричард Чарнецки**

Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили – **Питер Буриан**

Европа парламенти депутати – **Артис Пабрикс**

Европа парламенти депутати – **Фульвио Мартушелло**

Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати – **Кёко Накаяма**

Москва ва Бутун Рус Патриархи – **Кирилл**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти – **Борис Кандов**

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик – **Виктор Садовничий**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори – **Виктор Гришин**

Корея Республикаси Инҳа университети президенти – **Чве Сун Жа**

Хитойнинг "Поли Текноложиз" компанияси президенти – **Ван Линь**

Россиянинг "Транснефть" компанияси вице-президенти – **Владимир Рушайло**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Инсон ҳаётида ўтаётган куннинг қандай бўлгани, аҳамияти эришган ютуқлари билан белгиланса, Ватан ва халқ тақдирида йиллар муҳим роль ўйнайди. Йиллар сарҳисоб қилинади ва натижалар таҳлили олиб борилади.

БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Жорий йилда халқимиз улкан ютуқлар билан бирга катта йўқотишларни ҳам бошидан ўтказди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов вафоти халқимизни оғир қайғуга солди. Аммо халқимиз йўлини йўқотмади, аксинча, янада бирлашди, аҳил-ҳамжиҳат халқ эканини жаҳон узра яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ мамлакатимизда муддатидан олдин Президент сайлови ўтказилди. Сайлов миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли, халқаро талаблар даражасида бўлиб ўтди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳар бир янги йилга муайян ном бериш анъанасига асос солган эди. Йилларга ном берилар экан, бу йўналишда давлат дастури қабул қилиниб, соҳадаги ишлар ривожида муҳим қадамлар қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилга "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб ном беришни таклиф этди. Бу Биринчи Президентимиз бошлаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиши каби ғоянинг мантиқий давоми бўлди.

"Бизнинг энг катта бойлигимиз бу меҳнатсевар халқимиздир", деган эди Биринчи Президентимиз. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни, барча ҳудудларда бажарилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари замирида халқ манфаати, аҳоли фаровонлиги мужассам.

Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. Одатда яхши таклиф ва муаммоли масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ва ечимини топади.

"Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди", деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Жорий йил 25 сентябрда ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жамоатчилик ўртасида энг кўп муҳокама қилинган масалалардан бўлди. Бу ерда одамлар нафақат шахсий муаммолари, балки яхши таклиф, фикр-мулоҳазалари билан ҳам қатнашиб турибди.

Маълумотларга қараганда, ўтган даврда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда. Бу халқ билан қилинган очиқ ва самимий мулоқот натижасида муаммолар ҳал этилиб, масалалар ечим топган, таклифлар такомиллаштирилиб, лойиҳалар амалиётга татбиқ этилишига олиб келди.

Халқ билан мулоқот инсон манфаатларининг юксалишига олиб келади. Яъни, мулоқот ва манфаат тушунчаси халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилга асосланади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг тубдан такомиллашишига замин бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратади.

"Бизнинг асосий мақсадимиз – "Халқ қабулхоналари"га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат", деди Ш.Мирзиёев. Бу дегани ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилиши кутилаётган "Халқ қабулхоналари" фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида амалиётга жорий этилади.

Яна бир жиҳат: бу қабулхоналар ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, қонун, фармон ва қарорлар ижросини аҳолининг кенг қатламига етказиш, уларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим қадам бўлади. Бу ишлар инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришга асос бўлади.

Халқимиз буюк мақсадлар, эзгу ниятлар билан яшаш қандай юксак марраларга, саодатга мушарраф этишини яхши билади. Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, деган тамойил халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Мустақиллик йилларида эришилган улуғвор натижалар давомийлигини халқимиз ўзи танлаган, ўзи сайлаган Президенти раҳбарлигида давом эттиражак.

ЎзА

ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Инсонда дунёни англашга интилиш, томоша қилишга қизиқиш иштиёқи бор. Саргузаштсеварлар саёҳатга отланиб, янги ўлкаларни кашф этган, дунёқараши, тафаккури ортган, халқлар ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкамланган, савдо-сотиқ ривожланган.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Саёҳатнинг моҳияти – шу. Инсоният цивилизациясининг энг қадимий бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳақида ҳам бутун дунё эшитган. Қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиатини бир марта кўришни орзу қиладиганлар жуда кўп.

Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Имом Бухорий мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Хивадаги Ичанқалъа, Бухородаги Арк, Шахрисабздаги Оқсарой, Қўқондаги Ўрда халқимизнинг бой маданияти ва санъатини ўзида мужассамлаштирган. Зараутсой ва Сармишсойдаги қоятош битиклари, Учқудуқдаги "тош ўрмон", Тошкентдаги Усмон мусҳафи сайёҳларни ҳайратга солади. Зомин ҳавосию Ҳисор тоғлари, Чимён қорларию Қизилқум чўлларида мамлакатимизнинг ранг-баранг табиати намоён бўлади.

Бу рўйхатни ўқиган юртдошимиз кўнглидан "фалон жойни айтмабди-ку", деган хаёл ўтиши табиий. Чунки мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорлик мавжуд. Бундан ташқари, қўриқхона ва боғларимизда қанчадан-қанча сўлим масканлар, музейларимизда минглаб ноёб экспонатлар бор. Ҳунармандлик намуналари, миллий таомларимиз ва ўзбекона меҳмондўстлик бошқа ҳеч қаерда топилмайди.

Мамлакатимизда 600 дан зиёд сайёҳлик корхонаси, 660 дан ортиқ меҳмонхона ва кемпинг фаолият юритмоқда. Тарихий объектлар, табиат ажойиботлари ва соғломлаштириш мажмуаларининг аксариятини қамраб олган 110 халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Анъанавий маданий-тарихий туризм билан бирга сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, гастрономик, этнографик, экстремал, даволаш-соғломлаштириш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби турлари ҳам ривожланмоқда.

Мамлакатимизнинг 11 халқаро аэропортидан дунёнинг 50 дан ортиқ шаҳрига мунтазам парвозлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди. "Afrosiyob" электр поезди сайёҳларни манзилларига тез ва сифатли етказиб қўймоқда.

Бундай ишлар самарасида юртимизга келаётган туристлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 2015 йилда мамлакатимизга 2 миллиондан кўпроқ сайёҳ ташриф буюрган.

Албатта, бу яхши кўрсаткич. Лекин мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳиятига мос эмас. Ҳозирги кунда бу борадаги имкониятлардан 15-20 фоиз фойдаланилмоқда, холос.

Шу имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш, бунинг учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Фармон сайёҳларга қулайлик ва соҳадаги ташкилотларга енгиллик яратишга қаратилган. "Ўзбектуризм" Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этиш белгиланди. Унинг мақоми оширилди, ваколатлари кенгайтирилди. Қўмита фаолияти, энг аввало, назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризм соҳасидаги тадбиркорликни кучайтириш, бу йўлдаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилади.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омил, аввало, тинчлик, хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликдир.

Минг шукрки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Бу жиҳатдан ҳеч кимда ҳеч қандай хавотир йўқ. Лекин сайёҳларга хавфсизлик билан бирга замонавий шароит ҳам керак. Шу боис фармонда юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини ривожлантириш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда янги меҳмонхоналар, умумий овқатланиш объектлари, транспорт-логистика тузилмалари, ахборот марказлари, маданият ва спорт муассасалари, йўлбўйи инфратузилмаси қурилади ва реконструкция қилинади.

Бу фаолиятга жалб этиладиган хорижий инвесторларга ҳам имтиёзлар берилган. Масалан, камида 4 юлдузли меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширган юридик шахслар фойда солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинган. Туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод этилган.

Замонавий меҳмонхоналар қурилиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилди, дейлик. Энди уни тарғиб қилиш, харидор топиш керак. Фармонда бу масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Туризм маҳсулотлари ва хизматларини ички ва халқаро бозорларда тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиш, интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш вазифалари шулар жумласидандир.

Халқаро тажрибадан маълумки, туристлар мамлакатга киришчиқиш тартиб-қоидалари осон ва қулай бўлишини истайди. Бу борадаги қийинчилик, оворагарчиликлар ҳам одамни ўзи истаган жойга боришдан "совитиб қўйиши" мумкин. Фармонга мувофиқ, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб юртимизга саёҳат мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи 15 давлат фуқаролари ва яна 12 давлатнинг 55 ёшга тўлган фуқаролари учун виза режими бутунлай бекор қилинади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун "яшил йўлак" божхона назорати тизими, юкларни олиш ва транспорт хизмати кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилади.

Фармонда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм хизматларини лицензиялаш ва сертификатлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби яна кўплаб масалалар бўйича улкан вазифалар белгиланган. Бир сўз билан айтганда, фармонда туризм соҳасига тааллуқли барча жиҳатлар қамраб олинган. Бундай комплекс ёндашув Ўзбекистонимизда туризмни янада ривожлантиришга асос бўлади.

Севара АЛИЖОНОВА

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига биноан жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари ва олий таълим даргоҳларида маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият тараққиётининг муҳим пойдевори" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, Юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари, академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов ва бошқалар Конституциямиз давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Анжуманда Конституциямиз олий юридик кучга эга қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият тараққиётининг устувор соҳаларини белгилаб бераётган муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлиги алоҳида қайд этилди. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик асосий қонунимизнинг ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётгани билан бевосита боғлиқдир.

– Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожи, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонундир, – дейди ЎзА мухбирига академия кафедра мудири Шерзод Зулфиқоров. – Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривожи, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.

Тадбирда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг конституциявий асослари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Г.САТТОРОВА

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Тошкентдаги "Нуроний" шифохонасида "Конституция ва миллий қадриятларимиз" мавзуида тадбир ташкил этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Конституция мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожи, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Биринчи Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган Бош қомусимиз халқимизнинг асрий анъаналари, инсон ҳуқуқлари ва умумэътироф этилган қоидалар, халқаро андозаларга тўла мос келиши ва ҳуқуқий-демократик давлат қуришнинг барқарор йўлини белгилаб бергани билан қадрли ва аҳамиятлидир.

Конституция ва миллий қадриятлар ҳақида сўз борар экан, унда халқимизга хос олижаноблик ва бағрикенглик каби тамойиллар акс этганини қайд этиш жоиз.

– Мақсадимиз аҳолининг турли қатламлари, хусусан, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуроний отахон ва онахонлар кўмагида ёш авлод онги ва қалбида қонунларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш, уларда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш масъулиятини шакллантиришдир, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси С.Сабоҳиддинов.

Нуронийлар мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самараси ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, бугунги саодатли кунларга шукроналар келтирди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

“TOShShAHARNUR” давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг узлуксиз ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади

Мурожаат учун
Телефон: 230-20-20, 232-20-20
Telegram: +99895 196-20-20
e-mail: nur.2016@mail.uz http://tashgorsvet.uz/questions

Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:
250-57-57, 250-71-96, 250-43-08, 250-44-71, 250-77-12

“TOShShAHARNUR” ДУК маъмурияти

“KO`CHMAS MULK SAVDO HIZMATI” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 72-уй манзилида жойлашган бинонинг умумий майдони 1940 кв.м, фойдали майдони 1029.89 кв.м бўлган 9 қаватли ертўлали бинонинг биринчи ва иккинчи қаватининг бир қисми. **Бошланғич баҳоси – 5 958 919 009 сўм.**

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 11/1-уй манзилида жойлашган умумий майдони 842 кв.м, ер участкасининг майдони 1178 кв.м бўлган 2 қаватли офис биноси. **Бошланғич баҳоси – 2 709 498 815 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 30 декабрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 28 декабрь куни 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасининг кўрсатган ҳолда “Ko`chmas Mulk Savdo Hizmati” МЧЖнинг “Ипак Йўли банки” АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, Стир: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақроран қўйилади:

I. Обеъкт номи: “Madaniy qurilish” шўъба корхонаси (мол-мулклари билан бирга).

Бошланғич нархи – 10 711 585 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган.

II. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 4а-уй манзилида жойлашган бир қаватли бинонинг умумий майдони 379 кв.метрга тенг бўлган фойдаланилмаётган ертўла қисми.

Бошланғич нархи – 1 707 783 049 сўм 33 тийин.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

III. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган “Савдо тараққиёти” давлат унитар корхонаси (мол-мулклари ва бино-иншоотлари билан бирга).

Бошланғич нархи – 16 917 804 600 сўм.

Балансда сақловчи: Савдо тараққиёти ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади.

